

ОКЖЕТПЕС МАЙДОНИ МАЪДАН ҚАМРОВЧИ ЖИНСЛАРИНИНГ МИНЕРАЛОГИК-ПЕТРОГРАФИК ТАВСИФИ.

Алимов Мехриқул.Умарқулович.

НавДКИ Кончилик факултети «НРМ» кафедраси ассистенти

Шамситдинов Рахматулло Ахмадович

НавДКИ Кончилик факултети 12-17 ФҚГР гуруҳ талабаси

Курбанов Акмал Вахобович

НавДКИ Кончилик факултети 12-17 ФҚГР гуруҳ талабаси

Аннотация

Тавсифланётган маъдан қамровчи геологик ҳосилаларнинг қуйи қисми **кокпатас свитаси ётқизиқларидан** ташкил топган. Мазкур свитанинг қуйи стратиграфик чегараси очилмайди, юқоридан эса номувофиқ контакт билан девон мармарлашган доломитлари ва охактошлари, ҳамда карбон даври охактошлари ва терриген ётқизиқлари қоплаб ётади.

Калит сўзлар:

Структуравий, магматик, литологик, метасоматик, геохимёвий, олтин, олтин-кумушли, шимолий-ғарбий, кварц, ёрувчиструктуралар.

Аннотация

Нижняя часть геологических образований, покрывающих описываемую руду, состоит из залежей Кокпита свита. Нижняя стратиграфическая граница этой свиты не открывается, а сверху она охватывает девонские мраморные доломиты и руды, а также руды карбонатного периода и терригенные отложения с неподходящим контактом.

Ключевые слова:

Структурные, магматические, литологические, метасоматические, геохимические, золото, золото-серебро, Северо-Запад, Кварц, трещиноватые структуры.

Кириш:

Тавсиф этилаётган кокпатас свитаси тоғ жинслари литологик таркибига кўра сланецлар, кумтош ва алевролит, кремнийли тоғ жинсларидан ташкитл топган.

Сланецлар энг кўп тарқалган тоғ жинслари турига киради, 2- пачканинг 5% ни ташкил этади. Сланецлар таркибининг турли-туманлиги билан ҳам ажралиб туради.

Рангининг тўқ эканлиги (деярли қора ва тўқ кулранг), баъзангина бироз оқиш эканлиги, баъзи жойларда хлоритнинг мавжудлигидан тоғ жинси яшилсимон тусга эга бўлиши, яхши ифодаланган сланецланиш ушбу тоғ жинсларининг ташқи қиёфасини белгилаб беради.

Кварц, серицит ва хлоритдан иборат, баъзан плагиоклаз қўшилади. Углеродли модда анчагина миқдорда учровчи сланец ҳили кўпроқ кузатилади. Одатда тоғ жинсида бир вақтнинг ўзида иккита ёки учта асосий компонент учрайди. Ундан кўп асосий компонентларнинг бир вақтда учраши камдан-кам кузатилади.

Гранолепидобластли структурага эга. Баъзан тўлалигича кварцдан (бироз плагиоклаз билан) ҳамда серицит билан хлоритдан иборат йўл-йўллик тез-тез алмашилиб турувчи сланец тури ҳам учрайди. Йўл-йўлликларнинг қалинлиги 1-2 мм гача. Сланецларнинг бошқа турларида йўл-йўллик кузатилмайди. Серицит ва хлоритнинг махсус йўналган ҳолда жойлашиши ҳамда қора углеродли модда йўл-йўллиги билан ажралиб туриши сланецланишни

янада бўрттириб туради. Сланецнинг микролинзалардан иборат тури ҳам учрайди, алохида суб параллел линзалар кварц ва плагиоклаз доналаридан иборат.

Карбонат-кремний-сланецли таркибга эга, углерод- карбонатли ва кремний-углерод-хлоритли сланецлар, кумтошлар, микрокварцитлар, кремнийлар, доломитлар ва оҳактошлардан иборат.

Сланец пачкаси таркибида карбонатга эга хиллари ҳам кузатилади. Карбонат билан биргаликда кремний материали ҳам етакчи компонент ҳисобланади. Булардан ташқари гилли модда, серицит, баъзан хлорит учрайди, асосий массада плагиоклазнинг каттароқ бўлаклари кузатилади.

Кремнийли тоғ жинслари. (бевосита кремний ҳосилалар ва улардан худудий метаморфизм жараёнида ҳосил бўладиган микро-кварцитлар ҳам) кокпатас свитаси кесмасининг юқоридаги учта пачкаси ҳажмининг бешдан биридан ҳам камроқ ҳиссасини ташкил этади. Улар юқоридаги учала пачкада ҳам кузатилади, бироқ 3-пачкада кўпроқ ривожланган (кремнийлар умумий ҳажмининг 30% атрофидаги миқдорларда). Қатламларнинг қалинлиги дастлабки 1мм лардан 100 м гача, ўртача эса 2-3 м дан дастлабки 10 м ларгача боради. Қалин қатламлар анчагина масофага (баъзан 1км дан ортиқ ва 10 км гача) чўзилиб ётади, баъзи жойларда кремний қатламларининг понасимон қисқариб бориб йўқ бўлиши, маълум бир масофадан кейин эса худди шу стратиграфик сатҳда пайдо бўлиши кузатилади. Кремний қатламлари орасида қатламли ва қатламлашмаган.

Пачка умумий ҳажмининг 35-40% сланецлардан, 30% кремний 15% ва микрокварцитлардан, карбонатли жинслардан ва ниҳоят, 15% кумтошлар ва алевролитлардан таркиб топган. Пачка қалинлиги 500м.

Алевролит ва кумтошлар 2- 3-ва 4- пачкалар умумий ҳажмининг 20% ни ташкил этади. Доналарнинг умумий миқдори 70-90 %, шу жумладан, 40-85% алеврит доналари, 5-30 % эса кумтошларники, ўлчамлари эса 0,01-0,45 мм, қиррали ва ярим қиррали –силлиқланган, таркиби: кварц (65-100%), плагиоклаз (20-30%), микрокварцит, мусковит, хлорит, биотитдан иборат. Аксессуар минераллардан-турмалин, апатит, циркон учрайди. Цементланиши (7-30%) тутатиб турувчи ва базальт типидегидир-углерод-серицит-кварцли ва серицит-хлоритли ёки хлоритли.

Кумтошлар (ва алеврокумтош) юқоридаги учта стратиграфик бирликлар-пачкалар ҳажмининг деярли ярмини ташкил этади. Алевролитларга ўхшаб кумтошлар ҳам сараланмаган, турлича ўлчамдаги доналардан иборат ва аралаш таркибга эга, таркибда доимо у ёки бу миқдорда алевролит зарралари (алеврокумтошлар) мавжуд. Одатда ташқи кўринишда фақатгина кумтошлар доналаригина кўринади, алеврит қўшимчаси фақат микроскоп остидагина аниқланади. Ташқи ёндош жинслар тўқ рангли, сланецлашган, асосан 4-пачкада устун миқдорда мавжуд, 2-ва 3-пачкада ҳам маълум миқдорда учрайди.

Цементланиши гранолипидобластли структурада. Жадал кечган динамометаморфизмда алеврокумтошлар худди шу таркибдаги сланецларга айланади, кварц майда зарралари чўзилган линзасимон қўшилмаларга айланади, баъзан бир томонга йўналган плагиоклазлар ҳам қўшилмалар ҳосил қилади. Бундай тоғ жинслари ҳам алеврокумтошлар деб аталади.

Карбонат бўлақларига эга бўлмаган алеврокумтошлар кўпроқ 1- пачкада, камроқ миқдорда эса 2-ва 3-пачкаларда ҳам кузатилади. Улар тоғ жинслари қатламлашмаган, бироқ сланецлашган яшилсимон ва



Расм.1. Кокпатас свитаси таркибидаги қумтош (унгда) ва алевролит (чапда) намуналари. Намуна №2.

ҳаворанг-кулранг, оч кулранг, баъзан эса тўқ кулранг ва ҳатто қора рангдаги ҳосилалардир. Карбонатсиз алевро қумтошлар қуйидаги кўрсаткичларга эга: тоғ жинсларининг бўлаклари 70-90% ни ташкил этади, жумладан қумтошлар доналари 40-80 % ва алеврит зарралари эса 15-40% ни ташкил этади. Таркибан қуйидагичадир: кварц (50-85%), плагиоклаз (10-35%), баъзан микроклин ва калишпат, баъзан (катта 1%) микрокварцит, кремний, мусковитлар учрайди, ўта кам миқдорда-хлорит, эпидот, биотит каби минераллар кварц-серицитли ва гил-слюдали сланецларда учрайди.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Абдуазимова З.М., Пяновская И.А., Пятков К.К., Пак Р.С. О непрерывности разреза докембрия и кембрия и возрасте тайманской свиты в Тамдыггау. «Узб. геол. журн.» №1, 1973.